

9 -декабрь - Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни

Коррупция бу мансабдор шахслар томонидан давлат ҳокимиияти ёки бошқаруви  ваколатларидан фойдаланган ҳолда шахсий манфаатларни ёки бошқа шахслар манфаатини кўзлаб содир этиладиган жиноятлар ийғиндисидир. Яъни коррупция мансаб мавқеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бир неча жиноятларни ўзида мужассамлаштирувчи иллатdir. Бугун "Ер ресурсларини бошқариш" факультети маъruzalар залида факультет декани Ш.Нарбаев ва ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳ.Эшова ташаббуси билан «9 декабрь - Халқаро коррупцияга қарши кураш куни»га бағишиланган" тадбир ўтказилди. Унда факультет профессор-ўқитувчилар А.Бобожонов, С.Шарипов факультет мураббийлар кенгаши раиси А.Муқимов, хотин-қизлар кенгаши раиси О.Рўзиқулова, факультет етакчisi Д.Жабборова ҳамда 1 курс талаба-ёшлари иштирок этишdi. Тадбирда меҳмони Мирзо Улуғбек тумани прокуратураси катта терговчиси З.Шавқиев, Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда молиявий муассасаларнинг устувор вазифаси бўлмоғи лозимлиги бўйича маърузаси билан ийғилганларга маълумот берди. У ўз нутқида мамлакатимиз таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, унинг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, олий ўқув юртларига қабул жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш, таълимдаги коррупция ва порахўрликнинг олдини олишга ҳам астойдил киришилган. Коррупцияга қарши курашиш борасида жорий йилда таълим соҳасида амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар бўйича маълумотлар берилди.



Тадбир давомида Адлия вазирлиги ва БМТ Тараққиёт Дастирининг «Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошкора бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш» лойиҳаси доирасида коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар, шунингдек БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси томонидан БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини амалга оширишда Ўзбекистоннинг тутган ўрни хақида тўхталиб ўтилди.

ТИҚҲММИ матбуот хизмати